

“Энди тасаввур килинг, Ангренга сармоя киритаётган хорижлик инвесторми ёки бирор сайёх шаҳар номи ва унинг маъноси ҳақида сўраб қолса, уялиб қолмайми? Бир вақтлар ҳукмрон мафкура пешволари Охангарон сўзини тўғри талаффуз қилолмай “Ахангарен” дея талаффуз этишган, бора-бора бу сўз “Ангрен” ҳолига келиб қолган дейми?”

“2017 йилда мурожаат қилишни бошлаганмиз, ҳалигача масала ҳал бўлмапти. Чириган симёғочлар кимнидир бошига тушсагина масъуллар эътибор қаратишади, шекилли.”

“Зулфия Зокирова 1960 йилда – 77 ёшида “Бирортасиям келмади-я”, деган армон билан кўз юмган. Буларни тинглар экансиз бир эмас, беш ўғилнинг айрилигида чидаган онанинг бардоши олдидан бош эгмасдан илож йўқ!”

Вилоят
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
газетаси

2020 йил
14 март
ШАНБА
№ 22 (13283)

@haqiqatonline

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят сессияси: МУНОЗАРА МАРКАЗИДА ЁШЛАР МАВЗУСИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ тўртинчи сессияси бўлиб ўтди.

Хабарингиз бор, Президентимизнинг 2019 йил 27 декабрдаги мамлакат ёшлари билан бўлиб ўтган учрашувида ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш яшаш, ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилган эди. Тўртинчи сессия ўз ишида эътиборни мана шу вазифаларнинг ижросини таъминлаш масалаларига қаратиб, дастлаб вилоят сектор раҳбарларининг мавзуга доир ахбороти тингланди.

Қайд этиш жоизки, жорий йил бошидан буён барча сектор раҳбарлари жойларда ёшлар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказиб, уларнинг муаммоларини чуқур ва атрофлича ўрганди. Шулардан келиб чиқиб, илгари сурилган муаммоларнинг ижобий ечимини топиш юзасидан аниқ, манзилли режа ишлаб чиқилган ҳамда уни амалга ошириш мақсадида вилоят ҳокимлиги ҳузурида ёшларнинг бандлик даражасини ошириш масалаларида тизимли иш ташкил этиш бўйича вилоят штаби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятидаги Халқ қабулхонаси ҳузурида мониторинг штаби фаолияти йўлга қўйилган.

Бугунги кунда вилоятда истиқомат қилаётган қарийб 3 миллион аҳолининг 525 минг 289 нафарини 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Вилоят ёшларининг 8 фоизи иш билан банд бўлмаган, уларнинг 12 минг 798 нафари уюшмаган, 7 минг 913 нафари таълим муассасаларини тасмоллаб, иш топа олмаган, 378 нафари имкониёти чекланган ва 209 нафари жазони ўташ муассасаларидан озод этилган ёшлардир. Эътиборлиси, жорий йилда вилоятдаги иш билан банд бўлмаган ёшларнинг 68 фоизи, яъни 14 минг 537 нафарининг бандлигини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Яъни, жорий йилда аграр соҳада ёшлар учун жами 3 минг 577 та иш ўрни яратилиши мақсад қилинган. Бундан ташқари,

ҳар бир туманда ғалладан бўшаган майдонлардан ер ажратиш ҳамда фойдаланишдан чиқиб кетган юзлаб гектар ер майдонларини ёшларга мақсадли фойдаланиш учун бўлиб берилиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, қурилиш отрядларига жалб этиш орқали 1 минг 914, тадбиркорликка йўналтириш билан 4 минг 430 нафар ёшлар ишга жойланган. Бандлик жамғармаси томонидан эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 149, “Ёшлар – келагачимиз” Давлат дастури доирасида 264, “Ҳар бир оила – тадбиркор” Давлат дастурига кўра 217, жойларда бўш иш ўринлари ямаркаларини ўтказиш орқали 347 ва бошқа йўналишларда 342 нафар ёшларнинг бандлигини таъминлашга эришилди.

Депутатлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг чора-тадбирлари режасини тасдиқлаш, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган ўринга 14-Бекобод сайлов округида 2020 йилнинг 1 март куни ўтказилган сайлов якуни, сессиялар оралигида қабул қилинган айрим қарорларни тасдиқлаш каби масалаларни ҳам атрофлича кўриб чиқдилар.



Бугун ва эртага мамлакатимиз бўйлаб умумхалқ ҳайрия ҳашари бўлиб ўтади.

Халқимизнинг ўзига хос, олижаноб қадриятлари кўп. Ҳашар — ана шундай зғу удумлардан бири. Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни янада кучайтириш, маҳаллалар, аҳоли тураржойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида шу йил 14-15 март кунлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, вилоятимизда “Обод юрт” умумхалқ ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳайрия ҳашари ўтказилади.

Охангарон ва Ангрен бир номдаги икки шаҳарми?

Эътибор бериб қаралса, айрим ажнабий сўзлар қон-қонимизгача шу қадар сингиб кетганки, уларсиз фикримизни тўлиқ ёфода этолмайдигандекмиз. Нега? Бунга сабаб, собиқ тузумнинг тилимизга етказган ғайриихтиёрий аломатлари бўлса керак. Ҳа, айнан. Чунки, ҳозиргача собиқ даврни кўрган айрим миллатдошларимизнинг исм-шарифи шахсини тасдиқловчи гувоҳномаларига буткул бошқа товушлар билан муҳрланган эди. Бунга, янги ислохотлар сабаб барҳам берилди ва жиндай ҳафсала қилган киши асл исми рисоладагидек қайд этилган ҳужжат билан таъминланмоқда. Бироқ, айрим атамалар ўз ҳолича қолди.

Эркин Воҳидовнинг “Сўз латофати” асарини ўқирканман, мана бу жумлалар эътиборимни тортди: “Сўзни қисқартиришга жуда устамиз. Муҳаммад Раҳим деган исми Мамарайим, бу ҳам узун туюлиб Марайим деймиз. Хоразмлик эса Мирим дейди-қўяди. Анжан, Ангрен, Бувайда, Риштон, Хўжаландарбува... рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Бу номлар ўз асл маъносини йўқотиб бўлган...”
Ростдан, нега шундай?

Баъзан ўйлаб қоламан, елкасида оғирроқ юк ортмоқлаган ҳам молдан кўра, нисбатан енгилрогини кўтариб кетаётган йўловчига осон, сўзлар ҳам шундайми? Улар қанча қисқа бўлса, тилимизнинг айланishi шунча қулай бўларканда? Лекин, уларнинг залвори йўқ! Нега талаффузимиздаги ўзбек сўзларига бу қадар масъулиятсизлик билан қараймиз?

Юқоридаги мисоллардан бири-ни олайлик. Ангрен нима дегани?

Муҳокама учун мавзу

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Ангрен — “Охангарон” сўзининг русча бузилган шакли бўлиб, “темирчилар” деган маънони англатади. Тарихий манбаларга қаралса, бу ерда асосан темирчилик билан шуғулланувчилар яшаган. Бу номдаги ҳудуд Тошкентдан 120 км. жануби-шарқда, Охангарон водийсининг тоғли қисмида жойлашган ва ҳозирда ривожланган шаҳарлардан бири. Охангарон ҳам шундай.

Қизиқ, нега бир номда икки шаҳар? Ёки уларни бирлаштириб, бир ном остида айтиш керакми, ё бўлмаса Ангрен шахрига янги, соф ўзбекча ном топсамкикин?

(Давоми 2-саҳифада)

Иккинчи жаҳон урушида
қозонилган ғалабанинг
75 йиллиги олдидан

“МАТОНАТ МАДҲИЯСИ” янграр АБАДИЙ

Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлашга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизнинг Олмазор туманида барпо этилаётган Ғалаба боғи ва ундаги тарихий рамзлар халқимизнинг урушдаги иштироки ва ғалабага қўшган ҳиссасини намоён этиб берувчи бош майдон бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу боғни барпо этиш гоёси ва мақсади ҳақида тўхталиб шундай деган эди:

— Бу боғ халқимизнинг ғалабага қўшган ҳиссасини намоён этиши, ота-боболаримизнинг қаҳрамонлигини абадилаштириши керак. Бу ерда Иккинчи жаҳон уруши мухити, ватандошларимиз қатнашган жанглар ҳақида маълумотлар акс этиши зарур...

Дарҳақиқат, боғ қурилишида ана шу фикрлар асосий гоё сифатида белгилаб олинди. Боғ маъмуриятининг маълумотига кўра, боққа киришда рамзий дарвоза — Ғалаба аркаси ўрнатилди. Марказий йўлаклар бўйлаб урушга оид лавҳалар акс этган мажмуалар ташкил этилади, бу ерда “Шон-шараф”, “Ғалаба”

музейлари, бир сўз билан айтганда, ёш авлоднинг ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган экспозициялар ўрин олади. Сўзсиз боғдаги энг таъсирли ва марказий майдонлардан бири Зулфия Зокирова ва унинг урушдан қайтмаган беш ўғли ҳамда бева қолган тўрт келини хотирасига бағишланган “Матонат мадҳияси” ёдгорлик мажмуаси бўлади.

... Зулфия Зокирова ким ва нима учун Ғалаба боғида бу муштипар она, унинг ўғиллари ва бева қолган келинларига бағишланган ёдгорлик барпо этилмоқда. Аслида беш аскарнинг онаси ва ушбу оила ҳақида булун кўпчилик билади. Шундай бўлсада яна бир бор бу ҳақда ҳикоя қилишни бурчимиз деб билдик.

(Давоми 4-саҳифада)

Мурожаатлар @haqiqatonline назоратида

МУТАСАДДИЛАРДАН ЖАВОБ КУТАМИЗ

Газетамизнинг расмий телеграм канали @haqiqatonline га кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда. Уларни жойига бориб ўрганишдан аввал мутасаддилар эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик. Жумладан:

ЯНГИЙЎЛ тумани, “Чортоқ” маҳалласидаги Найман кўчаси мутасаддилар эътиборига муҳтож. Аҳоли мазкур ҳудуддаги кўчалар таъмирланишини, симёғочлар ва ёритиш чироклари ўрнатилишини, маҳаллага сув келишини кутмоқда.

Шу маҳаллада истиқомат қилувчи Шахноза Жумаеванинг айтишича, анча вақтдан буён газ қувурларидан ис

гази чиқиб ётдики...
— Баъзан нафас олишга қийналамиз, ис газидан захарланаётганлар ҳақида эшитиб, кўркувга тушамиз, — дейди Шахноза она.
Шунингдек, туманининг “Кенг кичик” маҳалла, Фаровон кўчасидаги симёғочлар эскириб, чириб кетган. Ҳар кун 200 га яқин бола мана шу симёғочлар тагидан ўтиб мактабга бориб келади...

(Давоми 2-саҳифада)

“6 ойлик МАОШИМНИ КЎРМАДИНГИЗМИ?”

Баҳром Жамилов Пискент туманида яшайди. 2019 йилдан буён “Nature Cotton” МЧЖга қарашли ёқилги қуйиш шахобчасида оператор бўлиб ишлайди. Шахобча 2019 йилда кластер таркибига ўтган. Ҳаммаси ана ўшандан кейин бошланди...

“Илгари 1,5 млн. сўмга яқин маош беришарди. Энди эса ишлаган пулиминизни ҳам ололмаямиз. Ишдан бўшайман десам, бошқа жойга ишга олмайдим, бизни. Олий маълумотли эмасмиз...” — дейди мурожаатчи.

Айтишича, охириги маошини августда олган. Ҳужжатларда 500 минг сўм

ёзилган аммо, 200 минг сўмигина қўлга теккан. Шундан сўнг бир қол ун ва ёғ берган. Мурожаатчи маоши қанчаллигини ўзи ҳам билмайди. Бу ҳақда маълумот сўраб борганида ведомостлар йўқлиги сабабли “даромад”ни кўрсатишмаган.

Маълумот учун: Баҳ-



ром Жамилов 2019 йил 25 январдаги буйруққа асосан ФЁҚШ оператори вазифасига ишга қабул қилинган. Бир ойлик маоши шатлар жадвали асосида 607 минг 785 сўмни ташкил этади.

(Давоми 2-саҳифада)

Дарҳақиқат, яшариш ва янгилашиш фасли, янги кун — Наврӯзи олам олди-дан анъанавий умумхалқ ҳашарининг ташкил этилишида жуда катта ва теран маъно бор. Зотан, чор-атрофни ободонлаштириш, бунёдкорликка ҳисса қў-

лотлар, гузарлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилади, кўча ва йўллар таъмирланади, маиший чиқиндилар олиб ташланади. Аввалги ҳашарлардаги уюшқоқликдан келиб чиқиб айтиш мумкинки,

тар майдонни ободонлаштириш, 700 дан ортиқ қабристон ва 30 га яқин зиёратгоҳни тартибга келтириш ва таъмирлаш кўзда тутилаётир. Ободонлаштириладиган манзиллардан маиший чиқиндиларни олиб чиқиш,



тиркामалар жалб этилади. Шунингдек, ҳашар кунлари эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойларини таъмирлаш, кўплаб оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш мўлжалланган.

Анъанага мувофиқ, вилоятимиздаги бошқармалар, корхона, ташкилот, муассаса ва идораларда меҳнат қилаётган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақлари миқдоридидаги маблағни жамоаларнинг ўз ташаббуслари билан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви ҳисоб рақамига ўтказиш тавсия этилади.

Ҳашардан тушган маблағлар эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, уй ҳужалиги ишларида кўмаклашиш, шунингдек, жойларда ўзини ўзи бошқариш идораларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

Умумхалқ ҳашарида фаол бўлайлик, кўпга ярашган олижаноб қадриятдан, савоб ишлардан четда турмайлик, азизлар!



Янгийўл туманида болаларни боғчага қамраб олиш, таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратиш, мактабга тайёрлаш борасида алоҳида режалар ишлар амалга оширилмоқда.



Туманнинг "Кескан" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида "Аъло-Зукко фарзанд" деб номланган 100 нафар тарбияланувчига мўлжалланган нодавлат мактабга таълим ташкилоти ишга тушди. Шунингдек, "Чаманзор", "Ниҳол", "Самарқанд" маҳаллаларида ҳар бири 25 нафар болага мўлжалланган нодавлат оилавий боғчалар очилди.

НУРАҲШОН шаҳридаги Муқимий номли маҳаллада ҳам 22-сонли мактабга таълим ташкилоти очилди. Боғчада болалар ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом ўсишлари учун барча шароитлар яратилган.

БЕКБОДлик тажрибали тадбиркор Илхом Абдимурад "АгроИон Бекобод" МЧЖга раҳбарлик қилади.



Тадбиркор ўзига қарашли 54 гектар ер майдонининг 18 гектарига қарамнинг 5 хилини, қолган майдонларга эса экспортбоб пивз ва кўкат экмолди. Ишбилармон ҳосилни экспорт қилишни ва ундан катта даромад олишни кўзлаган. Ҳозирги кунда унинг қўл остида 57 нафар киши ишлайди.

ҚИБРАЙ туманидаги 2-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабидида "Миллий либос — маънавият кўзгуси" номли маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.



Тадбирда туманда фаолият юритаётган тадбиркор хотин-қизлар томонидан тикланган миллий либослар кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек, педагогика касб-хунар коллежи ва 26-, 28-, 46-умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчи-қизлари миллий либосларда ўзбек халқ рақсларини ижро этиб, иштирокчиларга кўтаринки кайфият улаштирди.

Худди шундай тадбир ЗАНГИОТА туманида ҳам бўлиб ўтди. Унда моҳир дизайнерлар томонидан яратилган миллий либослар кўргазмаси адрас ва атлас матоларимиз жилосини яна бир бор намойиш этди.

Яхши хабар

БЎШ КЕЛМА, ТУРСУНОЙ!

Иордания пойтахти Уммон шаҳрида бокс бўйича Токио-2020 Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи лицензион турнир гойиблари маълум бўлди.



Турнирда вилоятимиз фахри — пискентлик Турсуной Раҳимова ҳам муваффақиятли иштирок этди. Сунги кун баҳсларида Турсуной тайландлик Ютумас Хитпонг билан рингга тушди.

51 килограмм вазн тоифасида кечган мазкур беллашувда вакилимиз мутлақ галабага эришди. Натижада, Турсуной Раҳимова боксчи қизларимиз орасида биринчи бўлиб Токио-2020 йўлланмасини қўлга киритди.

Ўз юртимизни ўзимиз обод этамиз

иши, янги боғу гулзорлар яратиш, ёлғиз қариялар, ногиронлар, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ғамхўрлик кўрсатиш каби эзгу вазифалар замондошларимизнинг байрамона хуш кайфиятига айна ҳамоҳангдир.



икки кунлик ҳашарда вилоятимизнинг 1,5 миллионга яқин аҳолиси қатнашиши кутилмоқда. Қарийб, 10 минг гек-



арик-зовурларни тозалаш, экинзорларни тартибга келтириш каби ишларга 2 мингга яқин техника воситалари, трактор ва

Имконият

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚИ ТИКЛАНМОҚДА

Вилоят Монополияга қарши курашиш ҳудудий бошқармасига жорий йилнинг 12 март кунига қадар жами 78 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 30 таси коммунал, 25 таси савдо ва умумий овқатланиш, 5 таси қурилиш, 3 таси транспорт, қолган 12 таси бошқа соҳаларга тўғри келмоқда. Мурожаатларни ўрганиш давомида истеъмолчиларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, уларнинг ҳисобига 67 млн. 641 минг сўм миқдоридидаги маблағ қайта ҳисоб-китоб қилиб берилиши таъминланди.

Бу ҳақда вилоят Монополияга қарши курашиш ҳудудий бошқармасида 15 март — Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунини муносабати билан ўтказилган тадбирда маълум қилинди.



Тадбирда "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳияти, йиллар давомида унга киритилган ўзгаришлар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳусусида сўз борди. Бундан ташқари, бошқарма томонидан 2019 йил ва 2020 йилнинг шу даврига-ча амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Қайд этилишича, вилоятда 20 та бозор ва 8 та савдо комплекси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 24 тасида "Истеъмолчи бурчани" ташкил қилинди. Қолган 4 тасида ташкилий ишлар олиб борилаяпти.

Шунингдек, коммунал корхоналар билан соҳадаги муаммоларни тезкор ва жойида кўриб чиқиш мақсадида қабуллар ташкил этилмоқда. Бугунги кунга қадар истеъмолчиларнинг мурожаатлари қабул қилинди. Уларда 51 таси электр таъминоти бўйича бўлиб, 21 таси жойида ҳал этилди. Мурожаатларнинг қолган 40 таси газ таъминоти масаласида бўлиб, уларнинг 24 тасига ижобий ечиб топилди ва 16 тасига тушунтиришлар берилди.

Ўз муҳбиримиз Аббор ЭСОНОВ олган сурат

Оҳангарон ва Ангрэн бир номдаги икки шаҳарми?



Балки, бу унчалик аҳамият касб этмас, ваҳоланки, эътибордан четдаги кичик хатоликлар тўғриланмаса, келгусида улкан муаммоларга олиб келади. Шунинг ҳам айтиш жоизки, тил тўғрисидаги қонунда: "Географик объектларнинг номлари давлат тилида акс эттирилади" (20-модда), деб қайд этилган. Ундай бўлса, шаҳарларимиздан бирининг номи нега

Ангрэн бўлиши керак? Ўзбек тили ниҳоятда бой-ку, нахот лугатимизда "темирчилар" ўрнига биттагина бадий сўз топилмаса?

Бу каби ҳолатларга жуда кўп дуч келамиз аслида. Шахсий корхоналар, туманлардаги чекка қишлоқларнинг номи, кўргазмаю реклама банерлари кўпинча ёт тилларда. Қонунда эса "Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон

инвестормиёки бирор сайёҳ шаҳар номи ва унинг маъноси ҳақида сўраб қолса, уялиб қолмайми? Бир вақтлар ҳукмрон мафкура пешволари Оҳангарон сўзини тўғри талаффуз қилолмай "Ахангарен" дея талаффуз этишган, бора-бора бу сўз "Ангрэн" ҳолига келиб қолган дейми? Ҳалики?

Муҳаммад СИДДИҚ / Тошкент ҳақиқати/

Журналистлар истиқболли лойиҳалар билан танишишмоқда

Ҳозирги кунда Ангрэн кичик саноат зонасидаги бўш ер майдони 7 та тадбиркорлик субъектига бириктириб берилган бўлиб, улар тармоқ жадваллари асосида иш фаолиятларини олиб бормоқда. Лойиҳаларнинг умумий қиймати 51 млрд. 443 млн. сўмни, яратилаётган янги иш ўринлари эса 360 тани ташкил этади.



бу билан танишдилар. Мазкур кичик саноат зонаси 2 ҳудудга бўлинган. Ҳудуд-саноат зоналарида тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан таништириш мақсадида ўтказилган медиа-турда маълум қилинди.

Кейинги манзил Оҳангарон туманидаги кичик саноат зонаси, Телов ҳудудидаги "Wire Heng Tong" МЧЖ бўлди. Мазкур цех кабель ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, — дейди мазкур корхона ходими Мансур Ҳасанов. — Фаолиятимизни ўтган йилнинг ноябрь ойида бошлаганмиз. Маҳсулотимиз Жанубий Корея давлатига экспорт қилинади. Ҳозирда корхонамизда 70 га яқин маҳаллий аҳоли вакиллари ишляпти.

Медиа-тур



Корхона тўлиқ қувват билан ишга тушса, иш ўрнини 200 тага етказиш режалаштирилган.

Медиа-тур иштирокчилари Олмалиқ шаҳридаги кичик саноат зонасида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам яқиндан танишдилар. Кичик саноат зоналари бўйлаб медиа-турлар давом этмоқда.

Зухриддин РАҲМОНОВ / Тошкент ҳақиқати / Мансур ҲИММАТОВ, Аббор ЭСОНОВ

Мурожаатлар @haqiqatonline назоратида

МУТАСАДДИЛАРДАН ЖАВОБ КУТАМИЗ

— 2017 йилда мурожаат қилишни бошлаганмиз, ҳалигача масала ҳал бўлмапти. Чириган симёғочлар кимнидир бошига тушсагина масъуллар эътибор қаратишадилар, шекилли, — деб ёзди Дилором Гуломназирова.

Бизга йўлланган мурожаатларни Янгийўл тумани мутасаддилари доимо назоратга олишган. Бу гал ҳам улардан ижобий натижа кутамиз.

ОЛМАЛИҚ шаҳридаги Усмон Носир номли кўчада яшовчи Игитали Машарипов 1997 йилда Тожикистон Республикасидан Ўзбекистонга келган. Ҳозиргача унинг фуқаролик паспорти йўқ. Айтишича, ҳокимлик канали ботиға мурожаат йўллаган, аммо ижобий натижа бўлмаган.

— Ўзим Олмалиқдаги мактаб ва коллежда ўқиганман. Ҳозирда мардикорлик қилаялман. Тузукроқ ишга жойлашар деса, паспортим йўқ, — дея мутасаддилардан ёрдам сўрамоқда Игитали Машарипов.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

"6 ойлик МАОШИМНИ КЎРМАДИНГИЗМИ?"

РАҲБАРИАТ НИМА ДЕЙДИ?

Бизга йўлланган видео мурожаатда эшик олдида турнақатор турган безовта ишчилар тасвири бор: "Улар маошини сўрамоқда. Аммо ҳар гал бирор "каттарок" одам чиқиб нимадир баҳона қилади. Раҳбар имзо қўймаганмиш..."

Биз маошни, табеллар эса раҳбар келишини кутмоқда... — дейди Б. Жамиллов. Бўлим раҳбари Н. Уроловнинг сўзларига қўра, Б. Жамиллов 3 ойдан буён ишга келмайди, шу боис унга маош ёзилмаган. Б. Жамиллов эса бу сўзларни кескин рад этади: "Бир ҳафта ишга бормадим, холос... Қолган кунлар борганман. Ишдаги шеригимдан сўранг..."

Биз бошқа операторлар билан ҳам боғландик. Маълум бўлишича, Б. Жамиллов



Бобо Қаршиев, шу ташкилотда Б. Жамиллов билан бир хил вазифада ишлайди. Унинг айтишича, Б. Жамиллов ҳалол инсон. Бировнинг ҳақиға хиёнат қилмайди. Ишга келмаётганига келса, уйда ёлғиз боқувчи, хатто "йўлқира"сига ҳам пул тополмаган бўлиши мумкин...

Иккинчи кун, Раҳбарият телефонини ўчириб қўйди. Бўлим раҳбари: "Ҳозир мурожаатчи сизга телефон қилади. У бухгалтерияда..."

Мурожаатчи билан боғланганимизда унинг пластик картасига пул тушганини айтиб, банкка жўнатишганини билиб олдик. Банкда пластик картанинг "история"си очилганида

бир ҳафта ёки 10 кундан бери ишга келмайди... 10 кун билан 3 ойни орасида фарқ катта: адаштирадиган даражада яқин саналар эмас!

- Апрель: пластик картага 528 минг сўм;
Май ва июнь: бухгалтерия бу ойлари "унутиб қўйган" кўринади...
Июль: пластик картага 528 минг сўм;
Август: "унутилган!"
Сентябрь: касса 300 минг сўм;
Октябрь: "унутилган!"
Ноябрь: ёғ берилган — 90 минг сўм;
Декабрь: 215 минг сўмга ун ва 270 минг сўмга ёғ берилган.

Ташкилотнинг бизга йўлланган жавоб хатида эса, корхонанинг мурожаатчидан қарзи 2019 йилнинг 1 август ҳолатига 1 миллион 725 минг сўм, 2020 йил 1 январь ҳолатига эса 459

минг сўмни ташкил қилади. Бунда ташкилот 2019 йилнинг 1 август ҳолатига унутилган икки ой ва чала тўланган ойлик маошларнинг қолган қисmini тўлаб бериши керак эди.

Бу йил бошига қадар ташкилот ходимга август ва октябрь ойларига тўлиқ, сентябрь, ноябрь, декабрь ойларидидаги чала тўланган маошини қолган қисmini тўлаб бериши керак. Жавоб хатида эса, корхона ходимдан 2020 йил 1 январь ҳолатида 459 минг сўмгина қарздорлигини маълум қилган. Уртадаги тафовут 100-200 минг сўм эмас, нақ миллионни ташкил этади-я!

Қизиқ, икки тараф икки хил гапирди: ким ёлғончи? Мурожаатчи алдаган десангиз, унинг қўлига ташкилот ҳисобчиси ёзди берган. Яхшиси масъуллардан масалага жиддийроқ ёндашув ва жўялироқ жавоб кутиб қоламиз! Биз бу мавзуга яна қайтамиз...

ТАШҚИ РЕКЛАМА БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ

Ташқи рекламага алоҳида махсус конструкцияларда, тахталавҳаларда, экранларда, биналарда, иншоотларда, йўл чеккаларида, кўча ёриткичларининг таянчлари ва ҳоказоларда жойлаштириладиган реклама киради.

Эшитмадим, деманглар!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августда "Ташқи рекламани жойлаштириш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг мантқиқий давоми сифатида 2020 йил 20 февралда "Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.

Унга кўра, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари:

- ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) қуриш учун бериладиган ер участкалари ҳамда давлат мулки бўлган бино ва иншоотларни аниқлаш мақсадида ҳудудларни ўрганишни;
- ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш учун ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини, шунингдек, давлат мулки бўлган бино ва иншоотларга реклама объектларини жойлаштириш ҳуқуқини белгиладиган ҳужжатлар тайёрлашни;
- ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) тизимли мониторинг қилиш ва уларни ноқонуний жойлаштириш ҳолатларини аниқлашни;
- ташқи реклама объектларида (конструкцияларида) жойлаштирилган рекламалар, шу жумладан, ижтимоий рекламалар ҳисобини юритишни;
- йўлнинг қатнов қисмида

жойлашган аҳоли тураржой биналарининг ташқи қисмида (балкон, лоджия, дераза, эшик ва бошқа тарафига) ҳар қандай турдаги шахсий эълонларни жойлаштирилишига йўл қўймаслик чораларини қўришни;

- ушбу соҳада аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари бўйича тегишли чора қўриш учун Ўзбекистон Республикаси Моно-



полияга қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий бошқармаларига таклифлар киритишни таъминлайдилар.

Қарор билан тасдиқланган "Ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) қуриш тартиби тўғрисидаги Низом" ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) умумий жойлаштириш, шу жумладан, биналар ташқи қисмида ўрнатилган тартибни, шунингдек, шаҳар ёки ҳудудлар ижтимоий фаоллигини, тарихий-маданий қийматини ҳисобга олган ҳолда ўрнатиладиган реклама объектларининг (конструкцияларининг) турлари ва қўриқларини, ди-

зайнерлик ечимлари ва реклама объектлари (конструкциялари) ўлчамларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасида қуйидаги реклама ва ахборот конструкцияларини ўрнатишга рухсат этилади:

пештахта — бино ва иншоотларнинг олди ёки ташқи томонида, фақатгина корхона жойлашган ва (ёки) ўз фаолиятини амалга оширадиган манзилда, корхона тўғрисидаги маълумотлар ёзилган маълумот конструкцияси;

ахборот кўрсаткичи — алоҳида турадиган кичик форматдаги реклама конструкцияси бўлиб, объект тегишли чора қўриш билан манзили тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш учун фойдаланилади;

ахборот конструкцияси (ахборот стенди, эълонлар доскаси) — аҳолига маълумот етказиш функциясини бажарувчи конструкция бўлиб, реклама ҳисобланмайди ва ушбу қарор талабларига жавоб беради. Ахборот конструкцияларига, шунингдек, алоҳида жойлашган ва белгиланган талабларга жавоб бериувчи конструкциялар ҳам киради.

Хурматли тadbirkorлар! Мавжуд ташқи реклама воситалари (конструкцияларини) ҳамда ахборот конструкцияларини мазкур қарор талабларига мослаштиришигиз сўралади. Ўз навбатида, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмаганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши тўғрисида эслатиб ўтамиз.

Умриузоқ ҒАНИЕВ,
вилоят Монополияга қарши курашиш ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Эълонлар

"BIZNES FINANS MIKROKREDIT TASHKILOTI" МЧЖ Жамиятнинг 2019 йилги бухгалтерия баланси

(минг сўмда)

№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	15 734,00	1 585 677,00	Устав капитали	2 346 224,00	8 483 205,00
2	Узоқ муддатли инвестициялар	0,00	0,00	Қўшилган капитал	9 565,00	1 565,00
3	Капитал қўйилмалар	0,00	0,00	Резерв капитал	8 000,00	155 816,00
4	Товар-моддий захиралар	0,00	3 304,00	Таксимланмаган фойда	1 547 307,00	1 298 889,00
5	Дебиторлар	243 428,00	747 588,00	Мақсадли тушум ва фондлар	0,00	0,00
6	Пул маблағлари	61 787,00	186 989,00	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар	0,00	0,00
7	Қиска муддатли инвестициялар	5 284 963,00	13 937 475,00	Узоқ муддатли	1 670 583,00	6 999 582,00
8	Жорий активлар	9 656,00	654 001,00	Жорий мажбуриятлар	33 889,00	175 977,00
	Жами, активлар	5 615 568,00	17 115 034,00	Жами, пассив	5 615 568,00	17 115 034,00

Жамиятнинг 2019 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	5916639,0	
Сотилган маҳсулотлар таннархи		
Маҳсулот сотишдан тушган ялпи фойда	5916639,0	
Давр харажатлари, жами:		1308912,0
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	705664,0	
Валюта курслари фарқидан даромад	14,0	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	5313405,0	
Фоишлар шаклидаги харажатлар		1010578,0
Валюта курслари фарқидан зарар		27,0
Даромад солиғи тўлашга қадар фойда	4302800,0	
Даромад (фойда) солиғи		517254,0
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар		
Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	3785546,0	

Жамиятнинг 2019 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари АЖ шаклидаги «TRANS-AUDIT-A» аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5886-сонли фармони ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида: "Қишлоқ қурилиш инвест" масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси 2020 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади

№ 2020-04

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2020 йил 12 март

Тендер таклифларини тақдим этиш учун охириг муддат: эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.

1-тип: Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;
2-тип: Беш қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;

Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

«Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчилари қуйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Тошкент вилояти қурилишда танлов савдолари ташкил этиш консалтинг маркази қуйида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй. Телефон: (0 371) 241-15-37. Факс: (0 371) 241-15-26.

1. Тендер ҳужжатлари нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

_____ в и л о я _____ т у м а н и, _____ массивидаги, _____ л о т _____ та яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришигизни

сўрайман», шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин. Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Тошкент вилояти қурилишда танлов савдолари ташкил этиш консалтинг маркази тегишли бўлимлари банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўпلام танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган БХМ (базавий ҳисоблаш миқдори)га тенг.

Банк ҳисоб рақами реkvизитлари қуйида келтирилган: Банк: "Азия Альянс Банк" Олматор филиали ИНН: 300 017 720, МФО: 01102.

Ҳ/р: 2021 0000 5045 4602 7001

Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига.

Таклифларни тақдим этиш сўнги муддатига:

Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача.

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишининг охириг кунда тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади: Манзил: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90. Телефон: +0 (371) 232-80-47, Факс: +0 (371) 232-80-42.

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Уй типлари	Бир донга уй (квартира) учун талаб этилади:				
	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва харақтердаги шартнома (сўм)	Сўнги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м ³	Сўнги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м ³	Сўнги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м ²
Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар	2 600 000 000	2 200 000 000	400	700	1500
Беш қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар	3 000 000 000	2 400 000 000	450	750	1800

Шартнома (лот)лар рўйхати:

Лот №	Ҳудуд	Қишлоқ аҳоли пункти номи	Квартира сон	Тўрт қаватли 2-3 хонали уйлар			Беш қаватли 2-3 хонали уйлар			Таклифларни топшириш охириг муддати
				сон	квартира	уй рақами	сон	квартира	уй рақами	
	Тошкент вилояти		570	20	480		3	90		
223	Бекобод	Истиклол	24	1	24	1			2020 йил 13 апрель 11:00	
224	Бекобод	Истиклол	24	1	24	2			2020 йил 13 апрель 11:00	
225	Зангиота	Ўртаовул	24	1	24	1			2020 йил 13 апрель 11:00	
226	Зангиота	Ўртаовул	24	1	24	2			2020 йил 13 апрель 11:00	
227	Зангиота	Ўртаовул	24	1	24	3			2020 йил 13 апрель 11:00	
228	Ўрта Чирчиқ	Уйгур	24	1	24	1			2020 йил 13 апрель 11:30	
229	Ўрта Чирчиқ	Уйгур	24	1	24	2			2020 йил 13 апрель 11:30	
230	Ўрта Чирчиқ	Уйгур	24	1	24	3			2020 йил 13 апрель 11:30	
231	Ўрта Чирчиқ	Уйгур	24	1	24	4			2020 йил 13 апрель 11:30	
232	Янгийўл	Гулбахор	24	1	24	1			2020 йил 13 апрель 12:00	
233	Янгийўл	Гулбахор	24	1	24	2			2020 йил 13 апрель 12:00	
234	Янгийўл	Аҳил	24	1	24	3			2020 йил 13 апрель 12:00	
235	Янгийўл	Аҳил	24	1	24	4			2020 йил 13 апрель 12:00	
236	Куйи Чирчиқ	Ибрат	24	1	24	1			2020 йил 13 апрель 12:30	
237	Куйи Чирчиқ	Ибрат	24	1	24	2			2020 йил 13 апрель 12:30	
238	Куйи Чирчиқ	Ибрат	24	1	24	3			2020 йил 13 апрель 12:30	
239	Куйи Чирчиқ	Ибрат	24	1	24	4			2020 йил 13 апрель 12:30	
240	Янгийўл	Бахт	24	1	24	1			2020 йил 13 апрель 14:00	
241	Янгийўл	Бахт	24	1	24	2			2020 йил 13 апрель 14:00	
242	Янгийўл	Бахт	24	1	24	3			2020 йил 13 апрель 14:00	
243-в	Чирчиқ шаҳри	А. Темури кўчаси	30			1	30	1	2020 йил 13 апрель 14:30	
244-в	Чирчиқ шаҳри	А. Темури кўчаси	30			1	30	2	2020 йил 13 апрель 14:30	
245-в	Чирчиқ шаҳри	А. Темури кўчаси	30			1	30	3	2020 йил 13 апрель 14:30	

"Қишлоқ қурилиш инвест" масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси маълум қилади: "Ишонч" газетасининг 2020 йил 16 январдаги №10-11 (4296) сонда "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ин-

жиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги 2020 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан №2020-01

сонли Тошкент вилоятида танланган массивлар учун тендер савдолари, пудрат ташкилотлари томонидан муддати қисқалиги тўғрисида билдирилган эътирозлар сабабли бекор қилинсин.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги олдида



“МАТОНАТ МАДҲИЯСИ” янграр АБАДДИЙ

1972 йил май ойида биз таълим олаётган Зангиота тумани ҳудудидаги 89-сонли (ҳозирги 25-сонли) ўрта мактабда Хонобод қишлоғидан Иккинчи жаҳон урушидан қайтиб келмаган жангчилар хотирасига ўрнатилган ёдгорликнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтган эди.

Биз ушунда 7-синфда ўқир эдик. Аммо, йиғилиш манзараси кенгайдек эдимда. Унга мактабда таълим олаётган 900 дан ортиқ ўқувчи, 70 нафар ўқитувчилар билан бирга урушдан қайтмаган ва номлари ёдгорликка битилган 79 нафар жангчининг оила аъзолари иштирок этган. Мактабимиз директори Имомназар Эгамназаров (Оллоҳ у кишини раҳматига олсин) дастлаб машъум уруш ва унинг халқимизга келтирган талафотлари тўғрисида тўхталиб ўтди. Шундан кейин Хонободдан урушга кетиб, оиласи, бола-чақаси бағрига қайтмаган ҳамқишлоқларимизнинг исм-шарифини номма-ном ўқий бошладим.

омон жангларда етти бор яраланиб, ногирон бўлиб қайтган. Шу тўғрисида у киши Холматовлар оиласининг қалбидеги армонни юракдан ҳис қиларди. Шунинг учун ҳам қишлоқдаги мактабга хондоннинг матонатли ва садоқатли соҳибаси Зулфия Зокирова номини бериш ташаббускорларидан бири бўлган.

1993 йилда бу орзу амалга ошди. Тумандаги ўша 25-сонли мактаб ҳамда у яшаб ўтган маҳалла онахоннинг номи билан атала бошланди. Ушунда отамиз қанчалик хурсанд бўлганликларини кўриб очиги, бир оз хайратланган эдим. Энди билсам, бу гоятда тўғри ва савобли иш бўлган экан. Онахоннинг хизматлари бундан эъзоз ва эҳтиромга муносиблигини билдик.

Афсуски, бу хурсандчилик узоқ давом этмади. Ном беришда таниш-билишчиликка, кампаниябозликка йўл қўйилган “тамғаси” остида Зулфия Зокировадек мўтабар аёлнинг номи мактабдан олиб ташланди. Табиийки, бундан хо-

яралган, уруш йилларида муқаддас Ватан тимсолига айланган бундай метин иродати оналар юртимизда кўпга топилмади.

Сўзимнинг исботи учун бир мисол келтирмақчиман. Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида Зулфия ая Зокирова исми бир мўтабар онахон яшаб ўтганлар. Том маънода буюк бу инсоннинг жасоратини таърифлашга тил охири.

Турмуш ўртоғи Холмат ака вафот этгач, Зулфия ая беш ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказганлар.

Ҳаммамиз яхши биламиз, она зоти учун фарзанд доғини кўришдан ҳам оғир йўқотиш йўқ. Зулфия ая Зокирова Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш азамат ўғлидан – Исоқжон, Аҳмаджон, Мамажон, Ваҳобжон, Юсуфжон исми ази фарзандларидан жудо бўлган.

Ўзингиз айтинг, қадрли дўстлар, ҳар қандай одамни ҳам йиқитиб, яқсон қиладиган тақдирнинг бундай бешафқат зарбасига бардош бериш мумкинми?

Лекин Зулфия Зокировадек матонатли, қаҳрамон ўзбек аёли бунга бардош бера олди. Шундай фожиали қисматга беш марта ҳам мардонга оққа турди. Бунинг учун одамда қанчалик кучли ирода, қанчалик метин сабр-бардош бўлиши керак!

Ёвуз уруш тўғрисида аянинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолди. Унинг ўзи эса бир умр мотамда яшади. Лекин, ҳеч қачон умидсизликка тушмади, ўғилларининг сўнмас хотираси, ёруғ кунлар ёди билан, келинлари, набираларининг ҳаёти, орзу-умидлари билан яшади.

“Жойи чиқса, турмуш қилинлар, мен сизлардан мингдан минг розиман”, дейди Зулфия ая келинларига. Лекин улар ҳам Зулфия аядан ўрнак олиб, унга мадад бўлиб, барчаси ўз ёрига, оиласига содиқ қолади, бошқа турмуш қурмайди.


Мана, ўзбек аёлларининг, ўзбек халқининг ҳақиқий жасорати ва матонатли!

Мана, севги ва садоқат мадҳияси, унинг енгилмас куч-қудратли!

Мана, ёшларимиз, фарзандларимиз қимдан намуна ва ўрнак олишлари керак!

Ҳаётда бирон-бир қийинчиликка дуч келса, умидсизликка тушмасдан, уларни бардош билан енгиб ўтишда Зулфия Зокирова ва унинг оиласи ёш авлодимиз учун чинакам ибрат мактаби эмасми?!”

Президентимиз нутқидаги Зулфия ая Зокирова, унинг фронтдан қайтмаган ўғиллари ва садоқатли келинла-



ри ҳақида айтилган сўзларни тинглар эканман, ўтганларнинг руҳи шод бўлганини, тарихий ҳақиқат одилона тикланганини, бир оиланинг узоқ йиллик армони ушлаганини юрак-юрагимдан ҳис этдим.

Бу ҳаммаси эмас, давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрида эзгу ният билан барпо этиладиган Ғалаба боғи марказига Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғли ва келинлари хотирасига атаб мухташам ҳайкал ўрнатиш, унга “Матонат мадҳияси” деб ном беришни тақлиф этди.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, бу ташаббусни Зулфия Зокирова ва унинг оиласини таниган, билганлар ҳам, билмаганлар ҳам, қуйинчи, бутун жамоатчилик қўллаб-қувватлади. Балки, эзгу юрда яшилларнинг ёди ҳеч қачон унутилмайди, деганлари шудир.

Бугун Хонобод қишлоғидаги анчагина йиллар аввал Зулфия ая келин бўлиб тушган ва умри ўтган хондонда аянинг эвараси Фарҳод Муҳаммаджонов истиқомат қилади. Фарҳод билан ўша узоқ ва яқин тарихий кунлар тўғрисида суҳбат қурдик.

Унинг айтишича, Зулфия она турмуш ўртоғи Холмат бува билан ўттиз йилча бирга умргузаронлик қилишган. Беш ўғил, бир қизлари бўлган. Катта ўғиллари Исоқжон билан Аҳмаджонни олдинма-кетин уйлантиргач, Холмат

бува бевақт ҳаётдан кўз юмган.

Шундан кейин каттагина хондонга Зулфия онанинг ўзи бошчилиги қилади. Оила аъзолари меҳнат қилиб, толганларини онага келтириб беришар экан. 1936 йилда кейинги ўғиллари Исоқжон билан Мамажонни уйлантиради. Шу тариқа ун беш жон бир хондонда ахил яшашади. Исоқжон – ветврач, Аҳмаджон – ҳисобчи, Мамажон – аравақаш, Ваҳобжон – оддий колхозчи бўлиб ишлар оиланинг кенжатоғи Юсуфжон эса дастлаб Тошкент педагогика билим юртида, кейин Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)да таҳсил олади.

Машъум уруш бошлангач, ўғиллар бирин-кетин фронтга жўнади. Тўрт ўғилдан ширинтой неваралар қолганди. Кенжа ўғил, ҳали оила қуриб ҳам улгурмаган эди. Юсуфжон онасининг қанчалик қаршилик кўрсатишига қарамастан, “Акаларим кетган жойга мен бормайманми?” деб фронтга жўнади.

Тақдирнинг ҳукмини қарангки, ёвуз уруш тўғрисида аянинг етим бўлиб қолди. Унинг ўзи эса бир умр мотамда яшаб ўтади. Зулфия она кечалари ҳовлида даст овозда, гўёки биров эшитиб қолишганин чўчигандек, ўғилларининг исмини айтиб қақириб юрганлигини айтишади...

Айни кунларда “Ўзбеккино” миллий агентлиги буюртмасига кўра “Эзгу фильм” киностудияси томонидан Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган Зулфия ая Зокирова ҳамда унинг уруш жангдошларидан қайтмаган фарзандлари Исоқжон, Аҳмаджон, Мамажон, Ваҳобжон ва Юсуфжон ҳамда фронт ортидаги машаққатли меҳнатларни ўз елкасига олган тўрт келини Лазоқат, Ҳамронисо, Ҳидоят ва Роҳат Холматоваларнинг тақдир ҳақида реал воқеалар асосида ҳикоя қилувчи “Илҳақ” номли тарихий бадиий фильмни суратга олиш ишлари ниҳоясига етмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, таниқли киносоздор ва режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов бошчилигидаги жамоанинг ушбу янги картинаси ҳам табарруқ инсонларнинг хотирасига яна бир ҳурмат-эҳтиром ифодаси, ёшлар учун тарбия мактаби бўлиб хизмат қилади.

Фатхиддин МУҲИДДИНОВ



Зулфия Зокирова 1960 йилда - 77 ёшида “Бирортасиям келмади-я”, деган армон билан кўз юмган.



1941-1945

надон ва унинг соҳибаси тарихини билган кишилар жуда хафа бўлишар эди.

2019 йил 9 май кунини пойтахтимиздаги Ботаника боғида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб тантанали маросим бўлиб ўтди. Тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, кўп миллатли Ўзбекистон халқини Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабанинг 74 йиллиги билан самимий муборакбод этди. Ҳеч шубҳасиз, орадан қанча йиллар, замонлар ўтмасин, буюк ғалабанинг қадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бораверишини, минг-минглаб жасур ота-боболаримиз дунёдаги кўпга халқлар қаторида бу мудҳиш урушда чинакам қаҳрамонлик кўрсатгани, бу сўнмас жасорат, 74 йилдирки, биз учун мардлик мактаби, гуруҳ-ифтихор манбаи бўлиб келаётгани ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг нутқида келтирилган бир мисол, айниқса, кўпчиликини хайратга солгани бор гап. Шу кун давлатимиз раҳбари шундай деди:

“Уруш қаҳрамонлари ҳақида гапирар эканмиз, табарруқ Она сиймоси кўз ўнгимизда намойен бўлади. Чунки, эл-юрт ҳимоясини ор-номуси иши деб билладиган мард ва ботир ўғлонларни вояга етказган улуг зот – онадир. Урушнинг барча азоб-уқубатларини энг кўп тортган инсонлар ҳам муштипар оналаримиздир. Бамисоли сабр-бардошдан

(Давоми. Бошланғич 1-саҳифада)



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги офисимиз:
100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
(71) 233-64-95, (71) 233-58-85
(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10
Электрон почта: toshkenthqiqati@umail.uz / / / / th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти Аҳборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусоҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Зухриддин РАҲМОНОВ